
Юзия маҳалласининг ички кўчалари асфальтлаштирилмоқда

Аввал ҳабар берганимиздек тумандаги Юзия маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги аҳолининг умурожаатлари, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш, ҳудудда ички йўлларни асфальтлаштириш, ичимлик суви тармоғи тортиш ҳамда электр таъминотини яхшилаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан ҳудуддаги ички йўлларни таъмирлаш мақсадида бугунги кунда Оққудуқ ҳамда Шодлик кўчаларининг 4 км қисмида асфальтлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз ўрнида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларида маҳалла аҳли мамнун бўлиб, оқсақолларимиз дуога қўл очмоқдалар.

2023-07-08 14:04:12